

БАНКЛАРДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ БАНК АКТИВЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Хожибекова Зилола Шавкат қизи

Тошкент давлат иқтисодий университетини мустақил тадқиқотчиси

Тошкент, Ўзбекистон. e-mail: zilola_x_sh80@mail.ru

POSSIBILITIES OF IMPROVING THE QUALITY OF BANK ASSETS THROUGH EFFECTIVE MANAGEMENT OF PROBLEM LOANS IN BANKS

Hojibekova Zilola Shavkat kizi

Independent researcher, Tashkent State University of Economics

Tashkent, Uzbekistan. e-mail: zilola_x_sh80@mail.ru

JEL classification: G21, G24, G33.

Аннотация. Сўнгги йилларда банк секторидagi ислохотлар ва рақамли технологияларнинг жорий этилишига қарамаздан, банк активларининг сифатини яхшилаш долзарб муаммолигича қолмоқда. Хусусан, кредит портфелининг таркиби, рискли активлар улуши, муаммоли кредитлар (NPL) даражаси ва уларни бошқариш механизмлари диққат марказида турибди.

Ушбу мақолада банк активлари сифати тушунчаси, уни баҳолаш мезонлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича амалий тавсиялар таҳлил қилинади. Шунингдек, миллий ва халқаро тажриба асосида банк активлари сифатини оширишда самарали ёндашувлар кўриб чиқилади.

Abstract. Despite the reforms in the banking sector and the introduction of digital technologies in recent years, improving the

quality of bank assets remains a pressing problem. In particular, the composition of the loan portfolio, the share of risky assets, the level of Non-Performing Loans (NPL) and their management mechanisms are in the spotlight.

This article analyzes the concept of bank asset quality, its assessment criteria, existing problems and practical recommendations for their elimination. Also, effective approaches to improving the quality of bank assets based on national and international experience are considered.

Калим сўзлар: банк активлари, банк кредит портфели, муаммоли кредитлар, захиралар, активлар сифати ва уларнинг мезонлари, инновацион технологиялар, муддати ўтган кредитлар.

Key words: bank assets, bank loan portfolio, problem loans, reserves, asset quality and their criteria, innovative technologies, overdue loans.

Кириш. Бугунги кунда Ўзбекистонда молия-иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, хусусий секторнинг ривожланиши ва инвестицион муҳитнинг яхшиланиши банк тизимининг самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Иқтисодий жараёнларни

молиялаштиришда асосий воситалардан бири бўлган банклар фаолияти, аввало, уларнинг активлари сифатидан келиб чиқиб баҳоланади. Банк активлари сифати кредит беришдаги самарадорлик, хавфларни бошқариш қобилияти ва

умумий молиявий барқарорликни белгилайди.

Ўзбекистон банк секторида сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, тижорат банкларини трансформация қилиш, давлат улушини қисқартириш, кредитлаш жараёнларини очиқ ва шаффоф қилиш каби чоралар банк активлари сифатини яхшилашга қаратилган. Шу билан бирга, амалдаги муаммолар – тўланмайдиган қарзлар улушининг юқорилиги, активларни қайта баҳолаш зарурати ва корпоратив бошқарувнинг етарлича ривожланмаганлиги – бу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегиясида «кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш, мувозанатлашган макроиктисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро миқёсда амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш» муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган [1].

Материал ва метод. Тижорат банклари активларини сифатини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилган, амалий натижаларга эришилган ва илмий хулосалар шакллантирилган.

Хорижлик иқтисодчи-олимлар Joseph Stiglitz ва Andrew Weiss ўз тадқиқотларида кредит

диверсификацияси ва ишончли бўлмаган маълумотлар банк активлари сифатига қандай таъсир қилишини таҳлил қилади. Шунингдек, банклар томонидан бериладиган кредитларда риск ва маълумот асимметрияси бўйича фундаментал назария асосчилари ҳам ҳисобланади [2].

Gerard Caprio, James Hanson ва Robert Cull илмий ишларида банк секторини ислох қилиш ва активлар сифати яхшиланиши учун банк назоратини кучайтириш, тўлиқ ахборот тизимларини жорий этиш лозимлиги, Ривожланаётган мамлакатларда активлар сифатини пастлиги институционал муаммолар билан боғлиқ эканлиги тадқиқ қилинган [3].

Asli Demirgüç-Kunt ва Ross Levine банк тизимларида молиявий барқарорлик бўлиши учун кредитлар сифати муҳим эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, кредит портфелининг диверсификацияси ва молиявий инклюзивлик орқали активлар сифатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан [4].

Европа тикланиш ва тараққиёт банки тадқиқот маркази директори Ralph De Haas халқаро молиявий шоклар тижорат банкларининг активлар сифатига қандай таъсир қилишини тадқиқ этган. Синдикация қилинган кредитлар орқали хавфларни тақсимлаш орқали активлар сифатини яхшилаш мумкинлигини асослаган [5].

О.Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг активларини бошқаришда асосий эътибор гуруҳлаш ва таркибий таҳлилга қаратилиши лозим, шундагина ҳар бир гуруҳ операциялардан олинган фойданинг даражаси ва барқарорлигига реал баҳо бериш мумкин [6].

Г.Панованинг фикрига кўра, банкларнинг кредитлар бериш

имкониятини ошириш учун, биринчи навбатда, уларнинг депозит базасини етарлилигини таъминлаш имконини бериши лозим [7].

Маҳаллий олим Б.Бердияровнинг фикрига кўра, ҳар қандай банк ҳам ўзининг активлари таркибини самарали шакллантиришда маълум бир муаммоларга учрайдилар. Банк активларининг сифати аввало, активларнинг мақсадга мувофиқ тузилишига, ликвидлилигига, актив операцияларнинг диверсификациясига, активларнинг рисклилиқ даражасига, муаммоли активларнинг салмоғига ва активларнинг ўзгарувчанлик сифатларига боғлиқ [8].

Профессор Ф.Холмаматовнинг илмий тадқиқотларида «банклар томонидан кредит портфелининг сифатини доимий тарзда назорат қилиб бориш ва белгиланган меъёрий даражаларга қатъий амал қилинишини таъминлаш» орқали активлар сифатини ошириш мумкинлиги қайд этилган [9].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкин: Банк активлари сифати — бу активларнинг қай даражада даромад келтирадиган, хавфсиз ва ликвид (тез пулга айланадиган) эканлигини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуасидир. Ушбу кўрсаткичлар банкнинг молиявий барқарорлиги, кредит портфелининг сифати ва умумий ишонч даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Хусусан, муаммоли кредитлар улуши юқори бўлган банкларда молиявий риск юқори бўлади, бу эса пул-кредит сиёсати ва иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади.

Натижалар. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда банк соҳасини ислоҳ қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан: 2017 йилдан бошлаб тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари Халқаро молия ҳисоботи

стандартларига (IFRS) мослаштирилмоқда, давлат улушига эга банклар трансформация жараёнларига киритилди ва кредит портфелининг таркиби диверсификация қилинмоқда. Шу билан бирга, 2024 йил якунига кўра айрим банкларда муаммоли кредитлар (NPL) даражаси 5–8% атрофида бўлиб, бу халқаро тавсиялардан юқорирок эканлигини кўрсатади. Бу ҳолат банк активлари сифати ҳали ҳам жиддий эътибор талаб қилишини тасдиқлайди.

Ўтган йилларда пруденциал назорат чоралари доирасида банк тизими кредит портфели сифатини яхшилаш ва улардаги муаммоли кредитлар салмоғини пасайтириш, аҳолининг қарз юки даражасини инобатга олган ҳолда хизматлар таклиф этиш, йирик қарздорларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб бориш орқали улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган кредит хатарларини олдини олиш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

2015 йил 14 июлда тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш бўйича “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинди. Ушбу Низом тижорат банкларида банк активлари сифатини таснифлаш ва уларни назорат қилиб бориш, таснифланган активлар бўйича тегишли нормаларда ва талаб этилган миқдорда эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини янада аниқлаштирди.

Ушбу янги тартибга асосан қарздор бир нечта мезонлар асосида аниқланиши белгилаб қўйилди. Булар:

тармоқ (иқтисодиёт сектори) тенденцияси ва истикболи;

муайян лойиҳанинг техник амалга оширилуви ва иқтисодий рақобатбардошлиги;

молиявий ҳолати ва кредит олишга кодирлиги;

кредит тарихи, кредит таъминотининг ёмонлашуви ёки ликвидлилигининг пасайиши;

муайян лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан асосланиши;

раҳбарининг бошқариш қобилияти (агар қарздор юридик шахс бўлса).

Мазкур танлаб олинган мезонлар тижорат банкларида банк кредит портфели ва бошқа активларидаги банк рискларини аниқлаш, олдиндан таҳлил этиш орқали уларни баҳолашда қўлланилади. Юқоридаги меъёрий ҳужжатга кўра, мамлакатимизда банк активлари сифатига кўра «стандарт», «субстандарт», «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» тоифаларга ажратилади.

Мамлакат қонунчилигига асосан, муаммоли кредитлар деганда «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган кредитлар тушунилади.

Муаммоли кредит бу – қарздорнинг белгиланган тўловни маълум муддатда амалга оширилмагани туфайли тўланмаган қарздир. Гарчи муддати ўтганликнинг аниқ элементлари қарзнинг махсус жиҳатларига қараб ўзгариши мумкин бўлсада, «муаммоли» кредит одатда асосий қарз ёки фоиздан бирининг тўланмаслиги сифатида тушунилиши мумкин.

Банкларда, агар асосий қарз суммаси ёки фоизлар тўлови қарздор томонидан 90 кун ёки 90 кундан ортиқ муддатда умуман тўланмаган бўлса, бу қарз муддати ўтган

қарз ҳисобланади. Истеъмом кредитлари учун бу муддат 180 кун ҳисобланади.

Агар асосий қарз ёки фоизлар тўланмаган ёки ўтказиб юборилган бўлса, қарз кечиктирилган ҳисобланади. Қарздор ўз мажбуриятларини бажаролмаса ёки қарз берувчи қарз шартномасини бузилган деб ҳисобласа, бу қарз тўланмаган яъни дефолт ҳолатда деб ҳисобланади.

Кредитлар бир неча ҳолатларда муаммоли кредит сифатида қўрилиши мумкин. Бу муддати ўтган қарзлар ушбу ҳолатларни ўз ичига олади:

- Дастлабки шартномадаги келишувга кўра кечиктирилган, қайта молиялаштирилган ёки капиталлаштирилган муддати 90 кунлик қарз

- Муддати 90 кундан кам, аммо қарз берувчи қарздорнинг тўловларни амалга оширишига ишонмайдиган қарз

- Асосий қарзни тўлаш муддати тугаган, аммо қарзнинг бир қисми тўланмаганлигича қолган қарз

Бир қатор халқаро молия ташкилотлари муаммоли активларни аниқлаш бўйича махсус кўрсатмалар тақлиф қилади.

Муаммоли кредитлар бу дефолт ҳолатидаги қарзлардир. Қайта тўлана бошлаган қарзлар бу аввал тўлашдан тўхтаган ва ҳозир яна тўловлари амалга оширилаётган қарзлардир. 90 кунга кечиктирилган аммо ҳозирда яна тўлана бошлаган қарзлар қайта тўловдаги қарзлар ҳисобланади.

Қайта тўлана бошлаган қарзлар қўпинча қарз олувчи банкротлик тўғрисида ариза берган ва банкротлик тўғрисидаги битим натижасида тўловларни амалга оширишда давом этган қарзлардир. Бундай шартнома, одатда, қарз олувчига кредитни ўзгартириш дастури орқали ўз қарзларини тўлаш имконини беради.

Муаммоли кредитлар банклар томонидан бошқа банкларга ёки инвесторларга сотилиши мумкин. Агар қарз олувчи яна тўловларни амалга ошира бошласа, кредит қайта тикланиши мумкин. Бошқа ҳолларда, қарз берувчи ссуда қолдиғини қондириш учун қарз олувчининг гаровини қайтариб олиши мумкин.

Муаммоли кредитлар одатда қарздорлик юқори бўлган иқтисодий қийинчиликлар даврида юзага келади. Улар қарз олувчи узоқ вақт давомида (масалан, 90 дан 180 кунгача) тўловни амалга ошира олмаганида содир бўлади.

Банклар ҳар даромад келтирадиган қарзларга эътибор қаратиш учун муддати ўтган кредитларни сотиши мумкин. Бу қарзларни чегирма билан сотиш қарз олувчидан пул ундиришга уринишдан кўра фойдалироқ бўлиши мумкин. Бошқа банклар ёки қийин аҳволдаги инвесторлар, шунингдек, кўчмас мулк инвесторлари муддати ўтган кредитларга сармоя киритиш ҳақида ўйлашлари мумкин.

Муаммоли кредитлар банклар учун 2 жихатдан оғирлик туғдиради. Улар банкларнинг рентабеллигини заифлаштиради, чунки банкларнинг кредит бизнесидан оладиган пул миқдорини камайтирадиган йўқотишларни келтириб чиқаради. Ушбу йўқотишларга тайёргарлик кўриш учун банклар захираларни ташкил қилиши керак. Бу шунингдек, улар содир

бўлиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун захира ташкил этиши керак. Бу захира эса энди янги кредитлар бериш ёки бошқа йўқотишларни қоплаш учун ишлатилмайди. Бу банкларнинг даромадларини янада камайтиради ва уларнинг ҳолатини заифлаштиради.

Муддати ўтган активлари жуда кўп бўлган банк компанияларни сармоя киритиш ва иш ўринларини яратиш учун зарур бўлган кредитлар билан тўғри таъминлай олмайди. Агар бу кўплаб банкларда кенгроқ миқёсда содир бўлса, бу бутун иқтисодиётга таъсир қилиши мумкин.

Банк муаммоли активлардан қочиши учун авваломбор, банклар бошиданок ўта riskли актив операциялардан сақланиши керак. Улар кредитлашнинг тўғри мезонларига риоя қилишлари ва қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини тўғри баҳолашлари керак, чунки кредитлар фақат уларни тўлаши мумкин бўлган миқдорларгагина берилади.

Шунингдек, банк қарз олувчи молиявий қийинчиликларга дуч кела бошлаганда уни эртароқ аниқлай олиши учун тегишли мониторинг тизимига эга бўлиш муҳимдир. Кейин банкда бу вазиятни тўғирлаш учун воситалари мавжуд бўлади. Баъзи ҳолларда, миқдорга унинг молиявий аҳволи тўғрисида шунчаки маслаҳат беришнинг ўзи кредитнинг муддати ўтишини олдини олиш учун етарли бўлиши мумкин.

1-жадвал.

Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2025 йил 1 январь ҳолатига маълумот¹, млрд сўмда

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
Жами		533 121	21 185	4,0%
Давлат улуши мавжуд банклар		366 731	14 344	3,9%
1	Ўзмиллийбанк	108 014	3 275	3,0%
2	Ўзсаноатқурилишбанк	65 498	1 844	2,8%
3	Агробанк	59 436	2 903	4,9%
4	Асака банк	38 717	1 752	4,5%
5	Халқ банки	29 620	1 253	4,2%
6	Бизнесни ривожлантириш банки	22 527	1 915	8,5%
7	Микрокредитбанк	17 416	804	4,6%
8	Алоқа банк	12 944	242	1,9%
9	Турон банк	12 558	354	2,8%
Бошқа банклар		166 391	6 841	4,1%

Мамлакатимиз банк амалиётида муаммоли кредитлар асосан давлат банклари ва давлат улуши мавжуд банклар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жами муаммоли кредитларнинг 67,7 фоизи 9 та давлат улуши мавжуд банкларда тақсимланган (14,3 трлн сўм). Хусусий тижорат банкларида эса муаммоли кредитларнинг миқдори ва салмоғи сезиларли даражада паст бўлиб, 27 та банкнинг улуши атиги 37,3 фоиз ёки 6,8 трлн сўмни ташкил этмоқда.

Фикримизча, давлат капитали иштирокидаги тижорат банкларида муаммоли кредитлар билан ишлаш даражаси нисбатан самарасиз эканлигини ҳулоса қилиш мумкин ва унга ечим сифатида ушбу банкларни


хусусийлаштириш керак эканлигини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси президентининг «2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармонида “Ипотека-банк” АТИБ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Асака” АТБ, “Алоқабанк” АТБ, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ ва “Туронбанк” АТБдаги давлат улушлари босқичма-босқич хусусийлаштирилиши яъни сотилиши кўзда тутилган эди. Аммо, ҳозирга қадар фақатгина “Ипотека-банк” АТИБ чет эллик инвесторларга сотилди. 2023 йилда Венгриянинг “ОТР Bank” банки томонидан “Ипотека-банк”

¹ <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/2122826/>

АТИБнинг Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлигига
тегишли акцияларининг 75 фоизи сотиб
олинди.

Бошқа банкларни хусусийлаштириш
жараёни эса бир неча марта
кечиктирилди.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуш динамикаси², фоизда

2014 йилда муаммоли кредитлар ҳажми, 32 фоизга қадар пасайган бўлса, 2015 йилга келиб 0,78 фоиз бандга қадар ошган ва 2,1 фоизни ташкил этган. Бунда тижорат банклари кредитлаш билан боғлиқ сиёсатларини ва амалиётини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлишган ҳамда тегишлича захиралар шакллантирган.

2016-2017 йилларда банкларнинг муаммоли кредитлар ҳажми энг қуйи нутага тушди, 2016 йилда 1,46 фоизни ҳамда 2017 йилда 0,74 фоизни ташкил этди.

Тижорат банклари кредит портфели таркибида 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига муаммоли кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши 1,2 фоизни ташкил этган. 2017 йилнинг

декабрь ойи давомида Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда уларнинг кредит портфеллари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди ва натижада аниқланган муаммоли кредитлар бўйича активлар қайта таснифланди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банкларининг жами кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар қолдиғи 2,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2018 йил давомида 351 млрд. сўмга ёки 16 фоизга ошган. Мазкур муаммоли кредитларнинг тижорат банклари жами кредит қўйилмаларидаги улуши ҳисобот йили бошидаги кўрсаткичга нисбатан 0,5 фоиз бандга камайиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 1,28 фоизни ташкил этди.


² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари (<https://cbu.uz/uz/statistics/>)

2025 йил 1 январь ҳолатига банк тизими жами кредит портфели 533,1 трлн сўмни ташкил этиб, муаммоли кредитларнинг умумий миқдори 21,1 трлн сўм ёки 4 фоизга етган.

Шунингдек, муаммоли кредитларнинг ҳудудларда ундирилиши самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк раис ўринбосарлари бошчилигида тижорат банклари раҳбар ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, жойларда муаммоли кредитларнинг ундирилиши ҳолатлари ўрганилди ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Бош Прокуратура, Марказий банк ва

Ҳисоб палатаси томонидан қўшма топшириқлар тўплами тасдиқланиб, ҳудудларда масъуллар фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш ҳамда баҳолаш асосида вертикал назорат тизими йўлга қўйилди.

Муаммоли кредитларни камайитириш ва банк активлари сифатини оширишда илғор хориж амалиётини ўрганиш ҳамда мамлакат банк тизимида жорий қилиш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. жаҳондаги энг барқарор банк тизимларидан бўлган Европа Иттифоқи банк амалиётини таҳлил қиламиз.



2-расм. Европа Иттифоқида муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши³, фоизда

Европа Иттифоқи (ЕИ)да муаммоли кредитлар муттасил равишда камайиб бормоқда. 2015 йилда муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 7,03 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 1,93 фоизга қадар пасайган.

Охириги йилларда Европада муддати ўтган кредитлар ҳажми пасайишда давом этди, чунки мисли кўрилмаган фискал ва

монетар аралашувлар кўплаб ташкилотларга имкониятлар яратди, акс ҳолда улар пандемия билан боғлиқ оғир иқтисодий ҳолатда яқун топиши мумкин эди.

Шунга қарамасдан ЕИда айрим ноаниқликлар ва муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, COVID-19 пандемиясининг узоқ муддатли таъсири номаълум бўлиб қолмоқда, чунки

³ Жаҳон банки маълумотлари (<https://data.worldbank.org/indicator/>)

асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

хукуматлар пандемия билан боғлиқ ёрдам ва имтиёزلарни босқичма-босқич бекор қилишмоқда. Таъминот занжирининг узилиши, инфляция босими ва фоиз ставкаларининг кўтарилиши, шунингдек, евронинг давом этаётган пасайиши ва турли валюта ҳаракатлари каби инқирознинг иккиламчи таъсири Европа иқтисодиётига таъсир қилишда давом этмоқда ва баъзи молиявий жиҳатдан заиф корхоналарни банкротлик ёқасига олиб келмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

Банк тизими барқарорлиги ва самарадорлиги тўғридан-тўғри банк активларининг сифатига боғлиқ. Ўзбекистон банк секторида кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, рақамли технологияларни жорий этиш ва халқаро стандартларга мослашиш орқали муайян ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, кредит портфелининг тузилиши, тўланмайдиган қарзлар даражаси ва хавфларни бошқариш тизими хануз етарли даражада эмаслиги банк активлари сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу мақолада таҳлил қилинган муаммолар ва уларга берилган таклифлар кредит скорингини такомиллаштириш, рақамли ечимлардан фойдаланиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва халқаро тажрибага асосланган меъёрларни жорий этиш ва келгусида банклар фаолиятининг янада шаффоф, самарали ва барқарор бўлишига замин яратади.

Банк активлари сифати нафақат молиявий натижалар, балки бутун иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни тўхтовсиз амалга ошириш, марказлашган мониторинг ва назоратни кучайтириш Ўзбекистон банк секторида барқарор молиявий муҳитни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мамлакатимиз банк амалиётида активлар сифатини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни келтириб ўтишни жоиз топдик:

1. Кредит хавфларини баҳолашни такомиллаштириш.

Банклар мижозларнинг кредит қобилиятини баҳолашда замонавий скоринг моделлари, автоматлаштирилган таҳлил тизимларини кенг жорий этиши лозим.

2. Муаммоли кредитлар улушини камайтириш.

Кредитлар портфелини доимий мониторинг қилиш, қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва реструктуризация жараёнларини шаффоф ташкил этиш зарур.

3. Рақамли технологиялардан фойдаланиш

Финтех ечимлари, сунъий интеллект ва математик моделлаштириш асосида рискларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш лозим. Бу эса муаммоли кредитларни ва кредит рискинни аниқлашда тезкорлик ва аниқликни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.
2. Stiglitz, J. E., & Weiss, A. (1981). Credit rationing in markets with imperfect information. *The American Economic Review*, 71(3), 393–410
3. Caprio, G., Hanson, J., & Cull, R. (2005). The challenges of financial reform: Financial sector governance. In P. Cornelius & B. Kogut (Eds.), *Corporate Governance and Capital Flows in a Global Economy* (pp. 163–194). Oxford University Press.
4. Demirgüç-Kunt, A., & Levine, R. (2008). Finance, financial sector policies, and long-run growth. *World Bank Policy Research Working Paper No. 4469*.
5. De Haas, R., & Van Horen, N. (2012). International shock transmission after the Lehman Brothers collapse: Evidence from syndicated lending. *American Economic Review*, 102(3), 231–237.
6. Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 345-346.
7. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 194.
8. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2019.
9. Xolmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta'minlashda bank zaxiralaridan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 1 (8). Б. 461- 466.
10. [FDIC: Bank Failures in Brief](#)
11. <https://www.federalreserve.gov/monetarypolicy/beigebook202309.htm>
12. <https://www.wsj.com/market-data/quotes/FRCB>